



Tadqiqot.uz



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 AUGUST
№31**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 31-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
22 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
31-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-22**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
31-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-22**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 31-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 август 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ
ИННОВАЦИЯЛАР**

1. Shomuratov Sarvarbek Otabekovich, Otajonov Shohzodbek Bobojon o'g'li ODDIY IGIR O'SIMLIGI VA UNING DORIVOR HUSUSIYATLARI	7
2. Рахимова Холисхон Мақсудовна ТУРЛИ СОЯ НАВЛАРИНИНГ ЎСУВ ДАВРИ ДАВОМИЙЛИГИГА ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ	9
3. Ф.Ю.Саттарова КЎЛЛАР ГИДРОБИОЛОГИЯСИ	11



БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

ODDIY IGIR O'SIMLIGI VA UNING DORIVOR HUSUSIYATLARI.

Shomuratov Sarvarbek Otabekovich

Urganch davlat universiteti, talaba

Telefon: +998 33 300 30 24

e-mail: dr.shomuratov.6796@gmail.com

Otajonov Shohzodbek Bobojon o'g'li

Urganch davlat universiteti, talaba

e-mail: shahzodbek_bobojonovich@mail.ru

Telefon: +998 91-570-61-09

Annotatsiya. "Dori-darmonlarni tabiatdan o'rganing, inson izlayotgan narsani u allaqachon yaratgan" (Abu Ali ibn Sino) O'zbekiston o'simlik dunyosi juda boy va rang-barangdir. Cho'l va dashtlar, tog'lar va adirlar, past tekisliklar va daryo deltalari o'simliklar ajoyib manzara hosil qiladi. Bu aql bovar qilmaydigan o'simliklarning har birining o'ziga hos dorivor hususiyatlari mavjud. Biz bu hususiyatlardan maksimal darajada foydalanishimiz zarur.

Kalit so'zlar: Acorus calamus, Araseae oilasi, parallel tomirlangan, cho'zinchoq ko'p urug'li, Olimetin.

Oddiy igir - Acorus calamus L.; kuchaladoshlar - Araseae oilasiga kiradi. Ko'p yillik, bir pallali o't o'simlik. Ildizpoyasi 1,5 m uzunlikda gorizontal joylashgan, sudralib o'suvchi, shoxlangan va ko'p ildizli, yo'g'on bo'lib, ustki tomoni qo'ng'ir yoki yashil-sarg'ish tusli. Ildizpoyaning yuqori tomonidan barg to'plamlari o'sib chiqqan. Bargi chiziqsimon yoki qilichsimon, uzunligi 60-120 sm, tekis qirrali va parallel tomirlangan (bir pallali o'simliklarga xos). Poyasi (gul o'qi) yashil, tik o'suvchi shoxlanmagan, uch qirrali, bargsiz bir tomoni tarnovsimon, ikkinchi tomoni esa o'tkir qirrali. Poyada ikki jinsli, so'taga to'plangan sariq gul. So'ta silindrsimon-konusga o'xshash bo'lib, uzunligi 4-12 sm. Gul - so'ta yonidan 50 sm uzunlikda o'rovchi (qinli) barg chiqadi. Gulqo'rg'oni ko'rimsiz, oddiy, olti bargli, otaligi 6 ta, onalik tuguni uch xonali yuqorida joylashgan. Mevasi - cho'zinchoq ko'p urug'li, qizil ho'l meva. Ildizpoya va bargi hidli, mayda ildizlari hidsiz. May oyi oxiridan boshlab iyulgacha gullaydi. Daryo, ko'l va hovuz bo'ylarida, ko'lmaklarda, botqoqlik o'tloqlarda va botqoq atroflarida o'sadi. Moldova, Ukraina, Belarus, Boltiq bo'yi, Rossiyaning yevro'pa qismining janubida, Qozog'istonda (Irtish daryosi bo'yida), Sibir, Yakutiya, Uzoq Sharqda, qisman Kavkaz va O'rta Osiyo (O'zbekistonning Xorazm va Samarqand viloyatlarida) da uchraydi. Igir Markaziy Osiyoning daryo, ko'l, hovuz bo'ylarida va ko'lmaklarida, botqoqlik erlarda o'sadi. Ayniqsa, u Xorazm viloyatining botqoq joylarida ko'p uchraydi.

Mahsulot asosan Belarus va Ukrainada tayyorlanadi, lekin Qozog'iston va Amur daryosining o'rta oqimida yig'ish mumkin.

Kimyoviy tarkibi. Igir ildizpoyasi tarkibida 5% gacha efir moyi, achchiq akorin glikozidi, oshlovchi moddalar, smola va 25,5% gacha kraxmal bo'ladi. Igir bargi tarkibida efir moyi, 150 mg % gacha vitamin S va oshlovchi moddalar bor.

Igir preparatlari achchiq-xushbo'y dori sifatida ishtaha ochish va ovqat hazm qilish jarayonini yaxshilash uchun ishlatiladi. Oldingi vaqtlarda buyrak, jigar hamda o't pufagi kasalliklarini davolashda qo'llanilgan. Igir ildizpoyasi parfyumeriyada va oziq-ovqat (likyor tayyorlashda) sanoatida ham ishlatiladi. Igir ildizpoyasining efir moyi buyrak va o't yo'llari tosh kasalligini davolashda hamda uning oldini olishda ishlatiladigan «Olimetin» preparati, ildizpoya kukuni (poroshogi) - me'da va o'n ikki barmoq ichak yara kasalligida ishlatiladigan «Vikalina» va «Vikair» preparatlari tarkibiga kiradi. Igir ildizpoya qalamchalaridan ko'paytiriladi. Buning uchun kech kuzda hovuz qazilib, bir metr kvadrat joyga 10-15 dona ildiz qalamchalari 20-30 sm oraliqda



belkurak bilan 2 sm chuqurlikda ko'mib chiqiladi. Yil davomida doimo hovuz suv va nam bo'lib turishi ta'minlanadi. Zaruriyatga qarab har yili yirik begona o'tlar olib tashlanadi, unuvchanligi o'rtacha 80-90% ni tashkil yetadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Xolmatov H.X., Ahmedov O'. A. Farmakognoziya. T.: 1995.
2. Sh. Yu. Qodirov, U. Q. Abduraximov, N. A. Xudoyberganov, S. K. Salimov Dorivor O'simliklar va ularni yetishtirishning ilmiy asoslari. Xiva – 2019 yil.



ТУРЛИ СОЯ НАВЛАРИНИНГ ЎСУВ ДАВРИ ДАВОМИЙЛИГИГА ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Рахимова Холисхон Мақсудовна.
УрДУ 3-курс таянч доктаранти

Аннотация: Ушбу мақолада барча экинлар каби соя ўсимлигига ҳам яхши ўсиб ривожланиб юқори ҳосил бериши учун ўсимлик ўсиб турган муҳитдаги барча омиллар (ҳарорат, ёруғлик, ҳаво, сув, тупроқ ва озиқа элементлари) ўсимликнинг ҳар бир ривожланиш фазасида талаб даражасида бўлиш лозимлиги ўрганилган.

Калит сўзи: Муҳит, сув, соя, ҳаво, иссиқлик, онтогенез, фаза.

Муҳит — куруқлик, сув, ҳаво ва ер ости қисмларидан иборат. Ташқи муҳит тушунчасидан ташқари яшаш шароитлари деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, бу тушунчага организмнинг яшаш учун зарур бўлган элементлар ёки омиллардан ёруғлик, иссиқлик, сув, озиқланиш ва шу кабилар киради. Хоразм вилоятининг тупроқларида Орол денгизининг қуриб бориши сабабли хлорли, сульфатли тузлар миқдори ошиб бормоқда. Тупроқда туз миқдорининг кўпайиб бориши туфайли йиллар давомида экилиб келинаётган экинларнинг ҳосилдорлиги камайиб бормоқда.

Аслида ҳар бир омил яқка ўзи эмас, балки биргаликда бўлиши талаб қилинади, ана шундагина соя навлари юқори ҳосил бериши мумкин.

Хоразм вилоятида ёзда атмосфера қурғоқчилиги узун давом этади ва бу ҳолат ўсимлик учун қисман зарар келтиради. Баҳор ойларнинг охирида юқори ҳарорат туфайли, тупроқда деярли нам қолмайди. Бу ўсимликка ҳам атмосферадан ҳам тупроқдан иссиқ ҳарорат таъсир кўрсатади. Ана шундай пайтда ўсимликнинг ички тизимида физиологик жараёнлар бориши бузилади. Биринчи бўлиб нафас олиш жараёни бузилади, бу ҳолат ўз давомийлигида фотосинтез жараёнига салбий таъсир кўрсататди. Бундай ҳолатларда соя навлари фақатгина суғориш ёрдамида ўсиб ривожланади. Демак, юқори ҳаво ҳарорати ёки абиотик омил соя навларида ботаник белгиларининг ўзгаришига ва ўсув даври давомийлигига ўз таъсирини сезиларли даражада кўрсатади.

Соя навлари ривожланиши онтогенезининг қурғоқчил шароитларда қисқариб кетишини бир қатор олимлар ўз изланишларида қайд қилишганлар, қурғоқчилик таъсирида ўсимликнинг ички тизимидаги махсус аппаратлар орқали амалга ошадиган ички ирсий бошқарув асосида онтогенез ўзига хос равишда шаклланади деган хулосага келишганлар.

1-жадвал

Соя навларининг кўчат қалинлиги бўйича ривожланиш фазалари ўртасидаги даврийлик муддати (2018 -2019 йиллар)

Кўчат ораси	Навлар	Униб чиқиши, кун ҳисобида	Биринчи учталиқ барг ҳос.бўл.кун	Униб чиқ. то ғунчалашгача	Униб чиқ. гуллашгача кун ҳисобида	Пишиш, кун ҳисобида
3см.	Нафис st	13	10	47	77	110
3см	Эврика- 357	14	10	45	80	119
3см	Селекта- 302	14	11	45	79	112
3см	Парвоз	13	11	49	84	121
4см	Нафис st	13	10	47	75	107
4 см	Эврика- 357	13	10	45	78	119
4см	Селекта- 302	13	10	44	77	113
4см	Парвоз	13	10	50	81	118
5см	Нафис st	12	10	45	72	103
5см	Эврика- 357	11	9	44	72	108
5см	Селекта- 302	11	9	44	71	105
5см	Парвоз	12	10	48	74	114

Бизнинг тажрибамизда соя навларининг туп сони сийрак ва қалин қилиб экилганда уларнинг ўсув даври давомийлиги сезиларли даражада ўзгарди. Масалан Нафис st навини



туп ораси 3см бўлганда ўсув даври 110 кунни ташкил етган бўлса, туп ораси 5 см бўлганда 103 кунда ёки 7 кунга қисқарди. Селекта- 302 нави 3 см туп орасида 112 кунда пишиб етилган бўлса, 5см туп ораси 105 кунда пишиб етилди ва улар орасидаги фарқ 7 кунни ташкил қилди. Юқоридаги олимлар келтирган маълумотларни бизнинг тажрибаларимиз тасдиқлади (1-жадвал). Худди шундай ҳолат Парвоз навида ҳам кузатилди. Масалан, бунда туп ораси навнинг ўсув даврига маълум миқдорда таъсир кўрсатди, туп ораси 3 см бўлганда 121 кунда, туп ораси 5 см бўлганда 114 кунда пишиб етилди. Аммо туп ораси 4 см қилиб экилган Парвоз навида 3см қилиб экилган вариантлар билан ўртасида деярли фарқ сезилмади. Қалин қилиб экилган вариантларда пишиб етилиш фазаси барча соя навларида бир хилда тезлашганлиги маълум бўлди. Ўсимлик қалин қилиб экилганда унинг озикланиши майдони кичрайиб, қуёшдан фойдаланиш имконияти камаяди, тупрокдаги мавжуд намдан фойдаланиш имконияти ошади ва мана шу омиллар натижасида ўсимлик дуккаклари тез пишиб етилади ва соя донларнинг вазни нисбатан кичик бўлади. Қатор ораси 3 см қилиб экилганда биринчи учталиқ барглари ҳосил бўлгунча 9-10 кун вақт ўтади. Қатор ораси 5 см қилиб экилганда шу фаза учун 8-10 вақт ўтди. Униб чиққанидан тўлиқ гуллаб бўлгунча 5 см туп ораси вариантларида Селекта- 302 нави, Эврика- 357 навларида 64 кун вақт керак бўлди, маҳаллий соя навлари учун эса униб чиққанидан тўлиқ гуллашигача 67-70 кун вақт керак бўлди.

Олинган маълумотдан маълум бўлишича Хоразм шароитида соя ўсимлигини қалин қилиб экиш натижасида тупрокда нам сақлаш жараёни нисбатан яхши кечади. Чунки ўсимлик бир бирин соялатиб намни сақлашига имконият яратади. Қалин қилиб экилганда ўсимликнинг тез пишиб етилиши кузатилди, сийрак экилган вариантларда поялари бакувват бўлиб ўсиш даври чўзилди. Иссиқ ҳароратдан бўйлари паст бўлиб, ғунчаларининг тўкилиб кетиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Усманов И.Ю., Раҳманкулова З.Ф., Кулагин А.Ю. Экологическая физиология растений. – М.: Логос, 2001 – 223 с.
2. Тошходжайева Г.С., Жўраев С.Т. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда соя етиштиришнинг ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. Тошкент, 2020 № 1 (79) б. 31-17.



КЎЛЛАР ГИДРОБИОЛОГИЯСИ

Ф.Ю.Саттарова

Урганч давлат университети

табiiй фанлар факультети

“Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ”

кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Кўллар маҳсулдорлигини ошириш ёки уни маълум бир меъёрга сақлаб туриш учун тегишли тадбирлар белгиланиб, бу соҳадаги барча ҳаракатларни илмий асосда олиб бориш лозим.

Калит сўзи: Кўл, олиготроф, евтроф, дистроф, мезотроф.

XX - асрнинг 1920 - йиллари охиридаёқ кўлларнинг гидробиологик таснифи таклиф этилган. Ушбу таснифда кўллар сувининг биоген элементлар билан тўйиниш даражаси асос қилиб олинган ва улар куйидаги гуруҳларга ажратилган:

а) олиготроф кўллар; б) евтроф кўллар; в) дистроф кўллар; г) мезотроф кўллар.

Олиготроф кўллар (грекча "олигос"- кам ва "трофос"- тўйиниш, озиқланиш) да биоген элементлар, асосан азот ва фосфор бирикмалари кам миқдорда бўлади. Натижада бундай кўлларда ҳаёт (флора ва фауна) суст ривожланган, шу туфайли суви тиник бўлади. Кўл туби чўкмаларида ҳам органик моддалар кам бўлади.

Евтроф ("ев" - грекча яхши, кўп) кўллар тўйинтирувчи ва биоген моддаларга бой бўлиб, сув ўтларининг, айниқса, ёз вақтларида жадал ривожланиши билан ажралиб туради. Уларнинг суви тиник бўлмай, яшилдан қўнғир тусгача бўлади. Кўл тубидаги лойқа чўкмалари сув ўтлари ва сувда яшайдиган жониворлар қолдиқларидан таркиб топган органик моддаларга бой бўлади.

Мезотроф ("мезо" - грекча ўрта, оралик) кўлларда тўйинтирувчи элементлар миқдори олиготроф ва евтроф кўллар оралиғида бўлади.

Дистроф ("дис" - грекча етишмайди) кўллар ботқоқли ҳудудларда учрайди. Уларда водород кўрсаткичи - $pH = 4 - 6$ оралиғида бўлади, яъни кислоталиликни намоён қилади (маълумки, $pH = 7$ да сув нейтрал хусусиятни, $pH > 7$ да ишкорийликни, $pH < 7$ да эса кислотали хусусиятларни намоён этади). Бундай кўллар суви тиник эмас, ранги сариқ ёки қўнғир, лойқа чўкмаларга бой бўлиб, ботқоқликка айланганда торф чўкмалари ҳосил бўлади.

Кейинги йилларда кўлларни ўрганиш шуни кўрсатдики, қайд этилган тасниф шартлидир. Б.Б.Богословский фикрича табиатда учрайдиган кўпчилик кўллар юқоридаги гуруҳларнинг биронтасига ҳам кирмайди.

Кўллар сувидаги биоген элементлар режими уларда кечадиган биокимёвий жараёнлар жадаллиги билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Ер қуррасидаги барча кўлларда ҳаёт мавжуд, яъни уларнинг ҳар бирида ўзига хос фауна ва флора турлари учрайди. Уларнинг айримлари (споралар, кистлар) табиатда кузатиладиганидан ҳам бир қанча паст бўлган ҳароратдан тортиб, ҳатто қайнаш ҳароратигача яшай олиш қобилиятига эгадирлар. Уларнинг яшаш шароитларини, турларини, гидрологик хусусиятларини махсус фанлар *гидробиология* ва *биогидрология* ўрганади.

Кўллар маҳсулдорлигини баҳолашда балиқчилик алоҳида ўрин тутди. Кўлларнинг балиқчилик бўйича маҳсулдорлиги ялпи тутилган ёки кўлнинг ҳар гектар суви юзасига тўғри келадиган миқдори билан белгиланади. Бунда куйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- а) кам маҳсулдорли (30 кг/га дан кам);
- б) ўртача маҳсулдорли (30-60 кг/га);
- в) юқори маҳсулдорли (60 кг/га дан катта).

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Глазирин Г.Е.,Айтбаев Д.П Кўлшунослик фанидан ўқув-услубий мажмуа.Тошкент-2011
- 2. Эргашев А.Э., Эргашев Т.А. Гидроэкология (сув экологияси) Тошкент 2002.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 31-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(22-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.08.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
